

10-10-2020

## GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING

Давронбек Хршимович Қ,ОДИРОВ

*БухДУ Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ, таълими кафедраси катта уқ,итувчиси*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Қ,ОДИРОВ, Давронбек Хршимович (2020) "GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 10 , Article 38.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss10/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

# GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 10 сон**

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети. 2006.

### **ҒАЗЗОЛИЙ ВА ДЕКАРТ: ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ**

Давронбек Ҳошимович ҚОДИРОВ  
БухДУ Миллий ғоя, маънавият асослари  
ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта  
ўқитувчиси, [dagotys@mail.ru](mailto:dagotys@mail.ru)

*Аннотация:* Мақолада Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ғарб фалсафасининг отаси Декарт ўртасидаги алоқалар ҳамда ўхшашлик, Ғаззолий скептицизм методологиясининг замонавий файласуфларнинг қарашларига таъсири ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, француз олими Декартнинг рационаллик ва иррационаллик доир қарашларининг шаклланишида Ғаззолий фалсафий тафаккурининг ўрни ҳамда Ғаззолий шахсига нисбатан баъзи шарқшунос олимларнинг ноҳолис фикрлари ёритиб берилган.

*Таянч сўзлар:* стереотип, фалсафа, тамаддун, тадқиқот, шарқшунос, скепсис, шубҳа, методологик скептицизм, тараққиёт.

### **ҒАЗАЛИ И ДЕКАРТ: СОВРЕМЕННАЯ ФИЛОСОФИЯ РАЗВИТИЕ МЫШЛЕНИЯ**

Давронбек Ҳошимович ҚОДИРОВ

*Аннотация:* В статье рассматривается связь и сходства между Абу Хамидом Газали и отцом западной философии Декартом, а также влияние методологии скептицизма Газали на воззрения современных западных философов. Подчеркивается роль философского мышления Газали в формировании взглядов французского ученого Декарта о рациональности и иррациональности, а также предвзятые взгляды некоторых востоковедов о личности Газали.

*Ключевые слова:* стереотип, философия, цивилизация, исследование, востоковед, скепсис, сомнение, методологический скептицизм, прогресс.

### **GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING**

*Absrtact:* The article examines the connection and similarities between Abu Hamid Ghazali and the father of Western philosophy, Descartes, as well as the influence of the methodology of Ghazali's skepticism on the views of modern Western philosophers. The role of Ghazali's philosophical thinking in the formation of the views of the French scientist Descartes about rationality and irrationality, as well as the preconceived views of some orientalist about the personality of Ghazali are emphasized.

*Key words:* stereotype, philosophy, civilization, research, orientalist, skepticism, doubt, methodological skepticism, progress.

Инсон тафаккури ўзгармас ва мустаҳкам одатларни ишлаб чиққан бўлиб, бу одатлар ҳақиқатни яширадиган маърифат олдидаги тўсиққа айланган. Ушбу одатлар инсон томонидан олдиндан шаклланган фикрий баҳолаш бўлиб, мавжуд хулқ-атворда акс этади. Бундай ақлий одатлар асрлар давомида инсон тафаккури эркинлигини бўғиб, кашфиётларга тўсқинлик қилган ва инсоният геоцентризм гоёсидан кутулиши, Қуёш системаси тўғрисидаги ҳақиқатнинг очилиши кечиккан.

Француз тарихчиси Жерар Симон 1987 йилда Шимолий Африка мамлакатларидан бирида ўтган тафаккурнинг илм-фан тараққиётига таъсири мавзусига бағишланган семинарда ундан Ғарб фалсафасини ўқитишнинг мусулмон ёшларига таъсири ҳақида сўралганида, шундай деган эди: “Сизлар бир нарсани билишларингиз зарур. Ватикан қачон Галилейга нисбатан 16-асрда чиқарган ҳукмини бекор қилди? XX асрнинг олтинчи йилларининг бошида!”. Бу билан француз олими рационаллик ва иррационаллик, обскурантизм ва маърифат ўртасидаги кўтарилиш ҳамда тушишлар барча маданиятларга, ҳатто бу одат прагматик, ҳисоб-китобли Ғарб маданиятига ҳам ҳослигини назарда тутган. Шарқ файласуфларининг баъзилари Абу Ҳомид Ғаззолийни мусулмон фалсафий тафаккурининг инқирози ва таназзулида айблайди. Баъзилари бутун Ислом тамаддунининг кулашида ҳам уни айблайдилар. Ушбу кулаш Ибн Рушднинг асарларини ёқиш билан бошланди деб ҳисоблайдилар. Бироқ АҚШнинг Колумбия университети профессори Жорж Салиба шарқшуносларнинг Ғаззолийнинг “Таҳофут ул-фалосифа” асари фанни ўлдирди, деган фикрини рад этиб, Ислом тамаддунининг кулашини мўғулларнинг босқини билан боғлайди [1, 5].

Жорж Салиба ўзининг “Ислом илмлари ва Европа Ренессансининг кўтарилиши” асарида шундай саволни ўртага ташлайди: агар Ғаззолий Ислом тамаддунининг кулашига сабабчи бўлган бўлса, унда ўздан кейин Жазарий, Муваффақ ад-дин Абдуллатиф Бағдодий, Ибн ал-Байтар, Муайяд ад-дин Ал-Урзий, Насируддин Тусий, Қутбиддин Шерозий, Ибн Нафис, Камолиддин Форсий, Низомиддин Нишопурий, Ибн Шотир, Қозизода Румий каби олимлар қаердан пайдо бўлди, дейди. Ушбу зикр қилинган олимлар исми катта бир рўйхатнинг баъзиларидир. Қандай қилиб Бағдоднинг вайрон этилишидан бир йилдан сўнг, 1259 йилда Мароғада энг катта астрономик обсерватория (Ал-марсад ал-фалакий) қурилишини, у ерда йирик олимлар етишиб чиққанлигини тушуниш мумкин? [2, 13]

Тарихчи Ибн ал-Футий (1244 – 1323) “Муъжам ул-алқоб” (Атамалар луғатида) Мароғага тахминан 400 минг дона китоб келтирганини ва Бағдоддаги ал-Мустансирия кутубхонасида кўпгина машҳур олимлар билан учрашганини ёзади. Америкалик олимнинг хулосасига кўра Ислом тамаддунида илмий ва фикрий (интеллектуал) фаолият Коперник давригача, яъни 16-асрга қадар давом этган. Агар қисқача айтсак, Ғарб ҳали илмий уйғонаётган даврда мусулмон олимлари юксак маърифий ва илмий тараққиётга эришган эдилар.

Ҳозирги кунда Ғарбда устун бўлган ақлий одатларидан бу ҳозирги асрнинг тараққиёт ва эркинлик асри эканлигига ишонч саналади. Улар ўз жамиятларини “маърифат жамияти” деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр аниқроғи, илм-фанда ўзиб кетиш, технологияларнинг ривожини ва Интернетнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида

хукмронлиги таъсирида шаклланган. Бироқ, албатта инсон тараққиёти маънавий ва ахлоқий камолот билан боғлиқ.

Баъзи бир тадқиқотчилар ва шарқшунослар мусулмон файласуфлари ва замонавий ғарб файласуфлари ўртасидаги фарқларни ўрганиш ва таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Шарқ фалсафаси тадқиқотчиларидан бири мисрлик олим Заки Муборак (1892-1952) биринчилардан бўлиб Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фалсафий меросини ўрганиб, Ғарб фалсафаси дарғаларига унинг қарашлари таъсирини эътироф этади. У бир қанча Европа файласуфлари қарашларининг Ғаззолий билан муштараклигини исботлайди.

Заки Муборакнинг “Ғаззолийнинг ахлоқий қарашлари” мавзусидаги докторлик диссертацияси ва илмий тадқиқоти 1924 йилда кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Тадқиқотчи илмий изланишида ўз замонасида Хужжат ул-ислом деб тан олинган ва Зайн уд-дин мақомига сазовор бўлган Имом Ғаззолийни танқид қилишга жазм қилади. У илмий рисоласининг “Ғаззолий ва замонавий файласуфлар ўртасидаги ўхшашлик тўғрисида” (“Фи-л мувозанати байна-л-Ғаззолий ва байна-л-фалосифа ал-муҳдасийин”) деб номланган ўн учинчи бобида мутафаккир ва замонавий фалсафий қарашларда кўпгина умумий ўхшашликлар мавжудлигини айтади [3, 294]. Бироқ у бунга чуқур ёндашмай, қисқача тўхталиб ўтиб, келгуси тадқиқотлар учун кенг йўл очади. Олим фикрига кўра замонавий файласуфлар Ғаззолий кўрсатган йўлдан борадилар. Заки Муборак Ғаззолий қарашларини ўзлаштирган ёки фалсафий тафаккури ўхшаш бўлган Ғарбнинг саккиз файласуфи – французлар: Рене Декарт Картезий (1596-1650), Блез Паскаль (1623-1662), Пьер Гассенди (1592-1655) ва Николя Мальбранш (1638-1715), инглизлар: Томас Гоббс (1588-1679), Жозеф Батлер (1692-1752) ва Томас Карлайл (1795-1881) ҳамда голланд Бенедикт Эспинозаларни (1632-1677) тилга олади. Шундан билсак бўладики, Ғаззолий Ғарб файласуфларига ва улар орқали замонавий фалсафа шаклланишига етакчилик ҳамда устозлик қилган [3, 316].

Мисрлик олимнинг ушбу тадқиқоти замонавий Европа ва ўрта аср мусулмон файласуфларининг ғоялари, қарашлари ўртасидаги фарқлар ҳамда ўхшашликларни ўрганиш борасида биринчи ҳаракат эди. Бу ҳаракатнинг аҳамияти ва қимматлигига, илм-фан ва маърифат борасидаги муаммоларни кўтариб чиқишига қарамай олимлар эътиборидан четда қолиб, охиригача тадқиқотлар олиб борилмади. Бунинг сабабини Шарқ оламидаги фалсафий тафаккур ва фалсафанинг таназзули ёки мусулмон файласуфлари билан замонавий ғарб файласуфларини қиёсий ўрганиш фалсафий тадқиқотлар доирасидан четга қолишида ёхуд умумий жиҳатларининг ўхшашлигида деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун тадқиқотларда Ғаззолий фалсафасининг замонавий ғарб фалсафа билан ўхшашлигидан кўра, аксинча унинг таъсири ва ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратиш зарур.

Ғаззолийнинг замонавий фалсафага таъсирини ўрганиш араб олими Маҳмуд Ҳамдий Зақзуқ томонидан давом эттирилиб, Германиянинг Мюнхен шаҳрида 1968 йилда немис тилида унинг “Ғаззолий ва Декарт ўртасидаги фалсафий метод” илмий тадқиқоти нашр қилинади. 1973 йилда араб тилида “Ал-манҳаж ул-фалсафий байна-л-Ғаззолий ва Декарт” номи билан китоб бўлиб чиқади.

Маҳмуд Зақзук манбаларни ўрганиш асносида Ғаззолий ва Декартнинг методик скептицизм деб аталадиган фалсафий усуллари бир хил эканлигини тугал исботлайди. Бу ўхшашлик тадқиқотчининг раҳбари бўлган Рейнхард Лаутни ажаблантиради [4, 15-18]. Чунки у Декарт фалсафасининг мухлиси ҳисобланиб, ўз маърузаларида ҳақиқий фалсафа Декартдан бошланган деб эълон қилган эди. Шунинг учун немис файласуфининг Ғаззолий шубҳа (скепсис) методологиясини тизимлаштиришда Декартдан ўзиб кетганлигини тан олиш оғир ботади. Аммо у шунга қарамай бу кашфиётни рад этмайди ва араб тилини билмаслиги туфайли немис тилига таржима қилинган матнларни немис шарқшуносларига беришни илтимос қилади. Бундай етакчи ва машҳур немис шарқшунослардан бири Доктор Зақзукнинг эътирофига кўра Антон Шпиталер бўлади.

Шарқшунос олим матнларни ўрганиб чиқади ва бирор бир ҳарфиниям ўзгартирмай таржима қилади. Бироқ Шпиталер Декартга Ғаззолийнинг таъсирини инкор қилиб, буни тасодифий мувофиқлик ёки фикларнинг ўхшашлиги дейди. Бу билан у Декартнинг Ғаззолий қарашлари билан таниш бўлганлигини рад этади.

Маҳмуд Зақзукнинг китоби 1992 йилда немис тилида янги нашрда чиқади. Ушбу асарни ўқиган швейцариялик ёзувчи Кристоф фон Вольцен 1993 йилда “Ғаззолий Декартдан олдин Декарт бўлганми?” деган мақола ёзиб, китобнинг аҳамиятига ишора қилади. Чунки араб олими методологик скептицизмнинг шаклланишида Ғаззолийнинг ўрни катта эканлигини очиб берди. Декартгача беш аср олдин, яъни XI асрда вужудга келган ислом фалсафаси қарашлари Ғарб тафаккурига таъсир ўтказди. Муаллиф шу билан бирга Ғаззолийнинг “Залолатдан қутқазувчи” (Ал-мунқиз мина-з-залол) асарида келтирилган фикрларнинг Декартнинг “Мулоҳазалар” асаридаги ғоялар билан ҳайратланарли даражада ўхшашлигини кўрсатиб беради. Бу қиёсий таҳлил тизимли ва методологик нуқтаи назардан амалга оширилган бўлиб, икки файласуфнинг фалсафий ёндашуви бир-бирига айнан мос келишини исботлайди [4, 112].

Бу икки файласуф, яъни Ғаззолий ва Декартнинг интеллектуал ҳамда методологик яқинлашуви анчадан бери фалсафа тарихи билан қизиқадиган тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Бу масала аниқ жавобларни талаб қиладиган бир қатор саволларни пайдо қилган: Декарт Ғаззолийнинг қарашларини билганми? Унинг фикрларидан хабардор бўлганми ёки йўқ? Декарт Ғаззолийнинг таржима қилинган “Ал-мунқиз мина-з-залол” асарини ўқиганми? Ёки Ғаззолий асарларидан иқтибослар келтирган Ғарб ёзувчиларининг асарларини ўқиганми?

Энг ажабланарлиси Ғаззолий ва Декарт ўртасидаги муносабатларда парадокс мавжуд. Бу ҳайратга солувчи парадокс шундаки, баъзи тадқиқотчилар Ғаззолийни фалсафани қулатган ва унинг асосларини емирган, фалсафий тафаккурнинг таназзули ва қотиб қолишига сабабчи бўлган, шунингдек рационаликни йўқ қилиб, тугатган деб ҳисоблайдилар. Декарт эса фалсафа асрига янги йўл очган ва фалсафий тафаккурнинг уйғониши ҳамда ривожига, шунингдек Европа дунёсида рационализмнинг қайта туғилиши ва юксалишига ўз ҳиссасини қўшган шахс сифатида гавдаланади. Ушбу парадоксдан кўринадики, Ғаззолий ва Декарт бир-биридан ажратилиб, асл моҳиятидан узоқлашиб таққосланган. Зикр этилган

фикрлардан келиб чиқиб, икки хил қараш мавжудлигини эътироф этиб, бу парадоксни таҳлил қилиш лозим бўлади. Бу икки қараш қуйидагича:

Биринчи қараш: бунга мисрлик олим Заки Муборакнинг танқидий қараши мисол бўлади. У Декартни Ғаззолийга энг яқин файласуф деб таъкидлайди, чунки у ҳам Ғаззолий сингари жуда скептик бўлган деб ҳисоблайди. Улар орасидаги катта фарқни доктор З.Муборак мана шу гумон ва шак-шубҳа (скепсис)ни йўқотиш усули билан белгиланади деб айтади. Ғаззолий ўз шубҳалари олдида мағлуб бўлди, дейди З.Муборак, у шубҳалар зулматидан ақл ва мантиқ воситасида чиқишни самарасиз ҳисоблади. Декарт ўз шубҳаларидан халос бўлиш учун қилган ишни Ғаззолий тан олмади. Шунинг учун Ғаззолий Шарқда фалсафанинг қотиб қолишига, Декарт эса Ғарбда фалсафанинг уйғонишига сабаб бўлди, деб ҳисоблайди Заки Муборак [3, 297-298].

Иккинчи қараш: бунга доктор Маҳмуд Зақзуқнинг илмий изланишлари асосида шаклланган фикрларни келтириш мумкин. М.Зақзуқ Ғаззолийнинг фалсафа масаласи бўйича танқидий қарашларини адолат нуқтаи назаридан тўғри англаш лозим, дейди. Ғаззолий фалсафани инкор қилмади, балки ўзи файласуф эди. Зақзуқ Ғаззолий ўзининг фалсафий методологияси билан ўз даврини бир неча аср олдинга олиб чиқди ва Декарт унинг ғоялари негизида замонавий фалсафанинг отасига айланди, деб айтади [4, 123].

Бундай қарашга мувофиқ Ғаззолий ва Декарт ўртасидаги муносабатлар бир-бирига зид бўлган ҳолатда эмас, балки фикрий ва фалсафий тараққиёт ҳамда ривожланишнинг икки ҳолатида бўлган дейиш мумкин. Ҳолатлардан бири орқага чекиниш ва қотиб қолиш билан намоён бўлса, бошқаси тараққиёт ва юксалиш билан характерланади. Бироқ тараққиёт ва таназзул муаммоси Ғаззолий ва Декарт ўртасидаги муносабатларни инкор этишга таъсир қилмайди. Зеро, ҳар бир фикр ўзи алоқага киришадиган муҳит билан боғлиқ ҳолда тараққиёт ва чекиниш, ўсиш ва пасайиш, ҳаёт ва ўлим билан белгиланади. Илғор ва ривожланган муҳитда ғоялар ҳам тараққий топади.

#### **Адабиёт:**

1. Журж Салиба. Ал-улум ал-исламия ва қийам ун-наҳзат ал-Урубия. Байрут, Ад-дар ул-арабия лил-улум, 2011.
2. George Saliba. Islamic Science and the Making of the European Renaissance. Cambridge: The MIT Press, 2007. xii + 316 pp. index. illus. bibl. ISBN: 978-0-262-19557-7.
3. Заки Муборак. Ал-ахлоқ инда-л-Ғаззолий. Қоҳира, Дор ул-котиб ал-арабий лит-тибоат ван-нашр, 1968.
4. Маҳмуд Ҳамдий Зақзуқ. Ал-манҳаж ул-фалсафий байна-л-Ғаззолий ва Декарт. Қоҳира, Дор ул-маориф, 1973.



26	Микросателлит маркерлардан фойдаланиб, айрим ғўза навларининг генетик паспортини яратиш Аманбоева Р.С, Кодиров Д.М, Комилов Д. Ж, Кушанов Ф.Н .....	153
27	Бугдой навлари дони таркибидаги клейковинага тупроқ шўрланишининг таъсири Абдикулов З.У .....	159
28	Фаргона водийси шимолий қисми флорасининг қисқача таҳлили Наралиева Н. М, Иброҳимова Г.А, Эргашева Г. О .....	164
29	Тупроқ агрокимёвий хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига турли биопрепаратларнинг таъсири Абдурахмонов Н.Ю, Мансуров Ш. С, Қаландаров Н.Н, Собитов Ў. Т, Пулатов М.К..	170
30	Сальмонеллага қарши поливалентли бактериофагнинг клиникагача бўлган тадқиқотлари Жуманиязова М.Б, Давранов Қ. Д, Икрамов А.Я .....	175
31	Тахтақўпир тумани ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг биологик фаоллиги Набиева Г. М, Махкамова Д.Ю, Игамбердиева Д. А .....	182
32	Повышение урожайности хлопчатника сорта порлок-4 использованием биопрепаратов при персонализированном сельском хозяйстве Рахматова Н. Р, Дарманов М. М, Нарматов С. Э .....	187
33	Особенности ведения беременности и родов у женщин с различной степенью анемии , страдающих активным туберкулезом. Хакимова Р. А, Маматова И. Ю .....	195
34	Опыт определения аллельного полиморфизма гена соматотропина местных коз и их помесей в Республике Узбекистан Хусеинова М.А , Владимир В.З, Нам Ирина Яновна .....	198

**08.00.00**  
**ИҚТИСОДИЁТ ФАҢЛАРИ**  
**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**ECONOMIC SCIENCES**

35	Xalqaro mehmonxonalar tasniflash tizimining muhim jihatlari Irisboyev Sh.N .....	205
----	---	-----

**09.00.00**  
**ФАЛСАФА ФАҢЛАРИ**  
**ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ**  
**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

36	Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals Turdiev V. S .....	210
37	Жамиятда ёшларнинг меҳнатдан бегоналашуви ва унинг ижтимоий фалсафий жиҳатлари Аллабоев Ж. Ж .....	217
38	Ғаззолий ва Декарт: замонавий фалсафий тафаккур тараққиёти Қодиров Д. Ҳ .....	223